

## ИСИТИЛМАЙДИГАН ИССИҚХОНА ШАРОИТИДА ЭЖИЛГАН АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР НАВ НАМУНАЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Хушвақтов Нурбек Жумаевич**

Сабзавот полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти

мустақил тадқиқотчиси

E-mail: [vali320@mail.ru](mailto:vali320@mail.ru)

**Аннотация:** Ушбу мақолада иситилмайдиган иссиқхона шароитида аччиқ қалампирнинг 35 та навуналари экиб ўрганилганда бир туп ўсимликда мевалар сони, вазни ва бир метр квадратдан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Иссиқхона, аччиқ қалампир, фармацевтика, навуналари, мева, ҳосилдорлик

**Кириш** Бугунги кунда дунё бўйича аччиқ қалампир (*Capsicum annum* L.) 4,6 млн. гектар майдонга экилиб, ундан 69,3 млн. тонна маҳсулот етиштирилмоқда. Ўртача ҳосилдорлик иссиқхоналарда гектаридан 100–110 тоннани, очик майдонларда эса 14,1–18,3 тоннани ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда аччиқ қалампир экинига қизиқиш ва эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда, бу экин дунёнинг барча мамлакатларида етиштирилади. Аччиқ қалампир (*Capsicum annum* L.) ни дунё миқёсида ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи очик майдонларда 2006 йилда 7,3 тоннадан 2019 йилда 18,4 тоннагача кўтарилган, иссиқхоналарда 80 тоннадан 110 тоннагача кўтарилган бўлсада, аччиқ қалампирнинг иссиққа, совуққа чидамли, шўр тупроқларда етиштиришга мос, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларини яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда сўнгги йилларда аччиқ қалампирни иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштиришга мос, аччиқлик даражаси 10 балдан юқори,

экспортбоп, мева сифати яхши, ҳосилдорлиги 80–90 т/га навларни инновацион усуллардан фойдаланилган ҳолда яратиш, иситилмайдиган иссиқхона шароитида мақбул экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аччиқ қалампир етиштиришда етакчилик қилаётган давлатларда аччиқ қалампир асосий экини бўлиши билан бир қаторда саноат ҳамда фармацевтика соҳаларида ҳам кенг фойдаланилади. Шу боис, унинг иситилмайдиган иссиқхона шароитида етиштиришга мос серҳосил навларини яратиш муҳим илмий йўналиш ҳисобланади. Унинг иситилмайдиган иссиқхона шароитида етиштиришга мос навларини танлаш ва етиштириш технологиясини муҳим элементларини ишлаб чиқиш ҳамда аҳолини йил давомида янги барра маҳсулот билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** плёнкали иситилмайдиган иссиқхоналарда етиштиришга мос юқори ҳосилли аччиқ қалампир (*Capsicum annum* L.) навларини танлаш ва етиштириш технологиясининг муҳим элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида аччиқ қалампирнинг Ўзбекистонда яратилган 17 та, хорижий давлатлардан интродукция қилинган 18 та навуналари иситилмайдиган иссиқхоналар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** плёнкали иситилмайдиган иссиқхона, экиш муддатлари, экиш схемалари, ўсимликлар ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик белгилари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари** Иссиқхона ва лаборатория тадқиқотлари В.Ф.Беликнинг «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве», Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимовнинг «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси», Е.Я.Глушенко, М.В.Воронина, А.И.Стрекаловаларнинг «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны)».

**Тадқиқот натижалари** Ўсимлик ҳосилдорлигини белгилайдиган муҳим кўрсаткичларидан бири бу ўсимликнинг мева сони, сифати ва мева вазни ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб тадқиқотларимизда меваларнинг техник етилиш даврида бир туп ўсимликдаги, мевалар сони, бир дона мева вазни, жами мевалар вазни ва ҳосилдорлиги аниқланди. Назорат вариантыда экилган Марғилон 330 навининг мевалар сони ўсимлик меваларининг техник етилиш даврида 91 донани ташкил этган бўлса, «Учқун», «Тилларанг», Қўқон, «Шакира», «Madun», «Batalion», «Kastillo», «Serambi», «Megator», «Genie», «Balebat», КЛ-99, КЛ-94А, КЛ-82, КЛ-94, КЛ-205, КЛ-202, КЛ-185, КЛ-98, КЛ-201, «SHinpaе Jang», «Tanenang», «Hot Asia», «Shin Tang Vold», «Asia Jungbo», «PR CHeongya» нав намуналарининг мевалар сони назорат навадан 5 донадан 103 донагача кўп бўлганлиги аниқланди. «Саид», «Landung», 14p4842(BB), КЛ-211, КЛ-204, КЛ-210, «Internit», 23-C94 нав намуналарининг мевалари сони назорат навадан 5 донадан 34 донагача кам бўлди. Назорат вариантыда экилган Марғилон 330 навининг бир дона мева вазни ўсимлик меваларининг техник етилиш даврида 17,2 граммни ташкил этган бўлса, ”Тилларанг”, «Megator», 14p4842(BB), КЛ-202, КЛ-211, «Hot Asia» нав намуналарининг мева вазни назорат навадан 1 граммдан 6,2 граммгача оғир бўлди. «Учқун», «Serambi», КЛ-94», Shin Tang Vold», “Asia Jungbo” нав намуналарида назорат навига яқин бўлди.

«Саид», «Қўқон», «Шакира», «Landung», «Madun», «Batalion», «Kastillo», «Genie», «Balebat», КЛ-99, КЛ-94А, КЛ-205, КЛ-202, КЛ-185, КЛ-98, КЛ-210, КЛ-201, «SHinpaе Jang», «Tanenang», «Internit», 23-C94, «PR CHeongya» нав намуналарининг мевалари вазни назорат навидан 0,8 граммдан, 10,5 граммгача назорат навадан енгил бўлди.

Бир туп ўсимликдаги жами мевалар вазни назорат Марғилон 330 навида 1,5 кг бўлган бўлса, «Учқун», «Тилларанг», «Шакира», «Serambi», «Megator», «Genie», «Balebat», КЛ-99, КЛ-94А, КЛ-94, КЛ-205, КЛ-185, «Hot Asia», ”Shin Tang Vold2, «Asia Jungbo» нав намуналарининг бир тупдаги жами мевалари вазни 0,2 килограммдан 1,0 килограммгача юқори бўлди. «Саид», «Қўқон»,

«Landung», «Madun», «Batalion», «Kastillo», 14p4842 (BB), КЛ–82, КЛ–211, КЛ–202, КЛ–98, КЛ–204, КЛ–210, КЛ–201, «SHinpae Jang», «Tanenang», «Internit», 23–С94, «PR СHeongya» нав намуналарининг бир туп ўсимликдаги жами мевалар вазни 0,2 килограммдан 0,5 килограммгача кам бўлди. Меваларнинг техник етилиш даврида бир туп ўсимликдаги

1-жавдал

**Иситилмайдиган иссиқхона шароитида экилган аччиқ қаламбир нав намуналарининг товар мева вазни ва бир тупдаги мевалар сони (2018–2020 йй.)**

№	Навлар намуналари	Меваларнинг техник етилиш даврида бир туп ўсимликдаги							
		мевалар сони		бир дона мева вазни		жами мевалар вазни		ҳосилдорлик	
		дона	%	г	%	кг	%	кг/м <sup>2</sup>	%
1	Марғилон 330(н-т)	91,0	100,0	17,2	100	1,5	100,0	5,2	100,0
2	«Учқун»	112,0	112,1	17,4	101	1,9	126,7	6,6	126,7
3	«Тилларанг»	97,0	106,6	18,2	106	1,7	113,0	5,9	113,3
4	«Саид»	83,0	91,2	16,2	94,2	1,3	86,7	4,5	86,7
5	«Кўқон»	112,0	123,1	11,4	66,3	1,2	80,0	4,2	80,0
6	«Шакира»	123,0	135,2	21,0	122	2,5	166,7	8,7	166,7
7	«Landung»	79,0	86,8	15,1	87,8	1,1	73,3	3,8	73,3
8	«Madun»	113,0	124,2	8,4	48,8	0,9	60,0	3,1	60,0
9	«Batalion»	110,0	120,9	10,3	59,9	1,1	73,3	3,8	73,3
10	Kastilo	98,0	107,7	13,2	76,7	1,2	80,0	4,2	80,0
11	«Serambi»	112,0	123,1	17,0	98,8	1,9	126,7	6,6	126,7



12	«Megator»	126,0	138,5	18,3	106	2,3	153,3	8,1	153,3
13	«Genie»	115,0	126,4	16,4	95,3	1,8	120,0	6,3	120,0
14	«Balebat»	158,0	173,6	16,1	93,6	2,5	166,7	8,7	166,7
15	14p4842	57,0	62,6	23,4	136	1,3	86,7	4,5	86,7
16	КЛ-99	159,0	174,7	14,1	82	2,2	146,7	7,7	146,7
17	КЛ-94А	123,0	135,2	13,2	76,7	1,6	106,7	5,6	106,7
18	КЛ-82	194,0	213,2	6,3	36,6	1,0	66,7	3,5	66,7
19	КЛ-94	98,0	107,7	17,2	100	1,6	106,7	5,6	106,7
20	КЛ-211	66,0	72,5	19,4	113	1,2	80,0	4,2	80,0
21	КЛ-205	142,0	156	13,3	77,3	1,8	120,0	6,3	120,0
22	КЛ-202	133,0	146,2	11,4	66,3	1,4	93,3	4,9	93,3
23	КЛ-185	189,0	207,7	13,2	76,7	2,4	160,0	8,4	160,0
24	КЛ-98	124,0	136,3	10,3	59,9	1,2	80,0	4,2	80,0
25	КЛ-204	78,0	85,7	19,1	111	1,4	93,3	4,9	93,3
26	КЛ-210	82,0	90,1	16,4	95,3	1,3	86,7	4,5	86,7
27	КЛ-201	118,0	129,7	12,1	70,3	1,4	93,3	4,9	93,3
28	SHinpaeJang	93,0	102,2	14,3	83,1	1,3	86,7	4,5	86,7
29	«Tanenang»	146,0	160,4	7,3	42,4	1,0	66,7	3,5	66,7
30	HotAsia	105,0	115,4	18,2	106	1,9	126,7	6,6	126,7
31	ShinTangVold	113,0	124,2	17,3	101	1,9	126,7	6,6	126,7
32	«Internit»	86,0	94,5	15,0	87,2	1,2	80,0	4,2	80,0
33	AsiaJungbo	115,0	126,4	17,3	101	1,9	126,7	6,5	126,7
34	23-C94	84,0	92,3	14,1	82	1,3	86,7	4,5	86,7
35	«PR CHEongya»	96,0	105,5	14,0	81,4	1,3	86,7	4,5	86,7

ҳосилдорлик кўрсаткичи аниқланди. Назоратда экилган Марғилон 330 навининг ҳосилдорлиги 1 кв метрда 5,2 килограммни ташкил этган бўлса, «Учқун», «Тилларанг», «Шакира», «Serambi», «Megator», «Genie», «Balebat», КЛ-99, КЛ-94, КЛ-205, КЛ-185, «Hot Asia», «Shin Tang Vold», «Asia Jungbo» нав

намуналарининг 1 кв метрдаги ҳосилдорлиги 0,7 килограммдан 2,9 килограммгача кўп бўлганлиги кузатилди. «Саид», «Қуқон», «Landung», «Madun», «Batalion», «Kastillo», 14p4842(BB), КЛ–82, КЛ–211, КЛ–202, КЛ–98, КЛ–204, КЛ–210, КЛ–201, «SHinpaе Jang», «Tanenang», «Internit», 23–С94, «PR SNeongya» нав намуналарининг ҳосилдорлиги 1 кв метрдаги ҳосилдорлиги 0,3 килограммдан 2,1 килограммгача кам бўлганлиги кузатилди. Нав намуналарининг ҳосилдорлик кўрсаткичи иссиқхонанинг тупроқ-иқлим шароитига, агротехник тадбирларга ва ўсимликнинг навига боғлиқ бўлди. Аччиқ қалампирлар меваси одатда (уруғи) тўла биологик пишган вақтда ҳар 2–3 ҳафтада одатда бир марта вегетация даврида ҳаммаси бўлиб 4–5 марта узиб олинади. Бунда фақат тўқ сариқ ва қизил мевалари териб олинади. Аччиқ қалампир кўп марта териладиган экин. Ўсув даврида кўк мевалари нав хусусияти бўйича катталиққа етишса, у қанча кўп терилса, ҳосилдорлиги шунча ортиқ бўлаверади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Лян Е.Е., Хақимов Р.А., Азимов Б.Ж, Ким В.В. Ҳимоя қилинган майдонларда сабзаётлар етиштириш бўйича тавсиялар. Т. 2018. С. 39 .
- 2.Азимов Б.Б., Мавлянова Р.Ф, Азимов Б.Ж. Ўзбекистонда аччиқ қалампирдан юқори ҳосил олиш бўйича тавсиялар.// Тошкент, 2016. Б 10-12.
- 3.Гикало Г.С. Особенности селекции перца. // Тр. Кубанского с.-х. института. 1986. С. 25–37.
- 4.Гавриш С.Ф., Сысина Е.А., Аличевская Е.В., Шморгунов Г.Т. Для пленочных теплиц. // Картофель и овощи - Москва, 1988, № 6, С. 45–46.
- 5.Baral, J., Bosland, P. (2010). Unraveling the species dilemma *Capsicumfrutescens* and *C. chinense* (Solanaceae): A multiple evidence approach using morphological, molecular analysis, and sexual compatibility. *Journal of American Society of Horticulture*. P. 826–832.
- 6.Fett, D. D. (2003). *Botanical Briefs: Capsicum peppers. Close Encounters with the Environment*, 72, P. 21–23.